

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова	
Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
Н.Шарафиддинова	
Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79
	ТИЛШУНОСЛИК
М.Абдупаттоев	
Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
М.Турдибеков	
Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
М.Усманова	
“Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
М.Иброхимова, Т.Алимов	
Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
М.Мадаминова	
Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
С.Ҳабибуллаева	
Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти	111
А.Уралов	
Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Сафарова	
Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
Э.Мирзажонова	
Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
М.Туйчиева	
Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов	
Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришlashнинг жадал технологияси	134
Р.Пирназаров	
Қурбонқул қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
Б.Холматова	
Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
Н.Собиров, С.Исроилова	
Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
М.Болтабоев	
Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
Д.Абдуллаев	
Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
Н.Исраилов	
“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши	154
А.Мусаев	
XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
С.Ҳамрақулов	
“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163

“ФАРҒОНА” ГАЗЕТАСИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ОСВЕЩЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СОБЫТИЙ В ГАЗЕТЕ «ФЕРГАНА»

COVERAGE OF INTERNATIONAL EVENTS IN THE NEWSPAPER “FERGANA”

Ҳамрақулов Серобжон Солиевич¹

¹Ҳамрақулов Серобжон Солиевич

–Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Фарғона вилоятида даврий матбуотнинг шаклланиши ва бунга сабаб бўлган омиллар, Фарғонада мустамлака даврида маҳаллий тилда чоп этилган газеталар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, “Фарғона” газетасининг чоп этилиши, унинг ўлка ижтимоий ҳаётидаги тараққийпарварлик ўрни ва ушбу газетада хорижий мамлакатлардаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг ёритилиши таҳлил этилган.

Аннотация

В статье обсуждается формирование периодических изданий в Ферганской области и факторы, которые к этому привели, а также газет, издаваемых на местном языке в колониальный период в Фергане. Издание газеты «Фергана» также анализирует ее роль в общественной жизни страны и освещение социальных и политических процессов в зарубежных странах.

Annotation

The article examines the formation of periodicals in Fergana region and the factors that led to this, as well as local newspapers published in the Fergana region during the colonial period. The publication of the Fergana newspaper also analyzes its role in the public life of the country and coverage of social and political processes in foreign countries.

Таянч сўз ва иборалар: Туркистон, Фарғона вилояти, жадидлар, даврий матбуот, ўзбек тилидаги газеталар, хорижий мамлакатлар, сиёсий жараёнлар.

Ключевые слова и выражения: Туркестан, Ферганская область, жадиды, периодическая печать, газеты на узбекском языке, зарубежные страны, политические процессы.

Key words and expressions: Turkestan, Fergana region, Jadids, periodicals, newspapers in Uzbek language, foreign countries, political processes.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон мустамлакага айланганлиги, Россия империяси уни иқтисодий жиҳатдан емиришга киришди. Мустамлакачилар турли усуллар билан ерли халқни жаҳолатда, саводсизликда, қашшоқликда ушлаб туришга ҳаракат қилдилар. Шунинг билан бирга Россия империяси ўлкада ўз сиёсатини тарғиб этиш, жа-моатчилик фикрини ўз мафқураси ҳамда ғоялари асосида шакллантириш мақсадида 1870 йилда расмий матбуотга асос солиб, “Туркестанские ведомости” газетасини чоп эта бошлади [1,10 - 30]. Шундан сўнг ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам рус империяси маъмуриятининг расмий газеталари чоп этила бошланди. Фарғона вилоятида ҳам маъмуриятнинг рус тилидаги газеталари фаолият юритса-да [2,22 - 40], аммо маҳаллий тилдаги газеталар йўқ эди. Давр муаррихларининг маълумотларига қараганда, Фарғонада газета чоп этишга бўлган қизиқиш 1911-12 йиллардаги Туркия – Италия ўртасидаги урушдан бошланган [3,2].

Муаллифнинг таъкидлашича “...Бу уруш тўқтар – тўқтамас Болқон уруши бошланиб кетди. Унинг орқасидан жаҳон уруши, инқилоб, ўқтабр инқилоби: ва ички урушлар ва ҳақозо улашиб кетаберди. Мана бу воқеаларнинг ҳаммаси тубжой халқни борган сари газета ўқушга, дунёда бўлуб турғон гапларни билиб туришга қизиқтирди” [3,2]. Кўриниб турибдики, дунёдаги воқеа - ҳодисаларни билишга бўлган қизиқиш газета чоп этиш йўлидаги муҳим омиллардан бири эди. Шундан сўнг Фарғонада ҳам маҳаллий (ўзбек) тилида газеталар чоп этила бошланди. Булар сирасига “Садои Фарғона” [4,4], “Равнақул – ислом” [5,40 - 44], “Халқ ғайрати”, “Тирик сўз”, “Эл байроғи” [6,18-19] ларни киритиш мумкин. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, бу Фарғонада маҳаллий тилда газеталар чиқишига тўсқинлик қилмади. Бу даврда ҳам Фарғонада 1918 йилда “Фарғона ишчи дехқон қизил аскар вакиллари шўросининг ахбори”, “Халқ газетаси” [7,72] ни мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. 1918 йил 8

июлдан Фарғона вилоят миллий ишлар мудириятининг ноширлигида “Янги Шарқ” газетаси чоп этила бошланди. 100 тача сони чиққандан сўнг 1921 йил январда ўз фаолиятини тўхтатади. Фарғона вилоят фирқа кўмитаси ва вилоят ижроия кўмиталарининг маркази Фарғона шаҳридан Қўқонга кўчирилгач, “Янги Шарқ” газетаси ўрнига 1921 йил январ ойидан бошлаб “Меҳнат байроғи” газетаси чоп этила бошланди [7,74]. 1921 йил 25 майда газета ўз фаолиятини тўхтатгач, шу йил 27 майдан бошлаб унинг ўрнига “Фарғона” газетаси чоп этила бошланди. Газета фаолиятининг ривожланишига ва бу номни олишига “1922 йилнинг ёз ойларида Тошкандан сафарбарлик билан келтирилган ўзбек талабаларининг ёрдами билан “Фарғона” га айлантирилиб, ўзгачалаштирилган” [3,2] лиги айтиб ўтилган.

Газетада дастлаб ходимлар камлигидан муҳаррирлар тез – тез алмашиб турган бўлса-да, бу газетанинг ривожига салбий таъсир этмади. Газета ишида Ашурали Зоҳирий, Адҳам Раҳмат, Мирзоҳид Оқилий, Мухтор Муҳаммад, Н.Зиё ўғли, Юнусхон хожи Оғалиф, Саййид Султон Саййидали, Султон Саккизбой, Абдулла Карим, Али Хўжа ўғли ва бошқа мухбирларнинг фидокорона хизматлари эвазига нашр йилдан йилга юксалиб борди. 1922 – 23 - йилларда газетанинг мухбирлари кам сонли бўлса, кейинги йилларда мингдан ортиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Газета ададининг 800 дан 8000 гача етгани ҳам ушбу нашрнинг оммабоп бўлганлигининг исботидир [7,75]. Газета ҳафтада 3 марта, 4 саҳифалик бўлиб, чоп этилган ва ислоҳ қилинган имлода фаолият кўрсатган. Унинг идораси Қўқондаги 25 октябр кўчасида жойлашган эди.

“Фарғона” газетаси саҳифаларидаги ўлка ҳаётига оид ижтимоий-иқтисодий, маданий- маърифий мақолалар: “Ҳукумат бошқармаларида”, “Қўқон қишлоқларида”, “Андижон қишлоқларида”, “Хотин-қизлар турмушидан”, “Матбуот”, “Адабиёт”, “Чиғириқ”, “Чолғу ва томоша”, “Фирқа ичида”, “Ёшлар орасида”, “Маориф ишлари”, “Ёшлар орасида”, “Маориф ишлари”, “Илм – ҳикмат”, “Фан – техника”, “Туман мухбирларимиздан”, “Қишлоқ”, “Онг – билим ишлари”, “Пахтачилик ишлари”, “Ўлпон”, “Сув ишлари”, “Қўшчилар орасида”, “Поездларнинг қатнаши”, “Қирғизистонда”, “Қизиқ воқеалар”, “Майда миллатлар”, “Турмуш ва маҳсулот”,

“Каператсия ишлари”, “Ундан – мундан”, “Шикоят қутиси”, “Бошқармага хатлар”, “Бошқармадан жавоблар” каби рунклар остида ёритиб борилган. Ушбу рунк хабарлари билан бирга газетада хорижий мамлакатлардаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар ҳам бериб борилган. “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги хабарлар, асосан, дастлабки сонларида “Чет элларда”, “Шарқ дунёсида”, “Шарқда” рунклари остида, кейинчалик “Яқин шарқ”, “Дунёда нима гаплар”, “Биз ва бошқалар” “Сўнғи хабарлар” рунклари қўшилиб, бу рункларда ҳам ёритиб борилган.

“Фарғона” газетасида берилган хорижий мамлакатлардаги хабарларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Маълум бир воқеа-ҳодисалар таҳлиliga бағишланган газета мухбирларининг мақолалари.

2. Рунк остида берилган хабарлар.

3. Хорижий мамлакат газеталаридан олинган хабарлар.

Газета чоп этила бошланган даврда Биринчи жаҳон уруши ниҳоясига етган, урушдан кейинги Европанинг қудратли давлатлари томонидан янги мустамлакаларга эга бўлиш, ушбу масалаларга бағишланган конференциялар ўтказилган, Осиё мамлакатларида миллий истиқлолчилик ҳаракати ўсган бир давр эди. Газета саҳифаларига назар ташласак, булар ҳақида етарлича маълумотларга эга бўламиз.

Ушбу даврда Европа мамлакатларининг Яқин Шарқ мамлакатларига тажовузи ортиб кетган эди. Булар ҳақда газетада бир қанча мақолалар ва хабарлар бериб борилган. Ушбу мақолаларда Англия ҳукуматининг Яқин Шарқ мамлакатларида олиб борган зўравонлик сиёсати очиб берилган [8, 1].

1922-1923 йилларда ўтказилган Лозанна конференцияси ⁵ ҳам газета

⁵ Лозанна конференцияси - Яқин Шарқ масалалари бўйича 1922 й. 20 ноябр. — 1923 й. 24 июлда бўлиб ўтган конференция. Туркия Англия-Греция интервентларига қарши урушда (1919—22) ғалаба қозонганидан кейин ўтказилган. Унда бир томондан-Туркия, иккинчи томондан — Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Югославия иштирокида Лозанна тинчлик сулҳи имзоланди (1923 й. 24 июль), Туркиянинг ҳозирги чегаралари белгиланди. Капитуляциялар режими ва чет эллик фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий

саҳифаларида ёритиб борилган[9]. Бу ҳақда матбуотда Лозанна конференциясида Ғарб давлатларининг Туркияга олиб борган нотенг сиёсати, Туркия ҳукумати ўзига иттифоқчи сифатида Русия Шўролар жумҳуриятини конференция ишида қатнашишини талаб қилиши ва бунга эришиб, бу ерда катта таянчга эга бўлиши, шунингдек, Туркиянинг ғарб давлатларига қарши ўз ҳудудида Американинг “Честер” ширкатида катта имтиёзлар берилгани, аммо Туркияга иттифоқчиликда Америка ва Совет жумҳуриятлари ўртасида катта фарқ борлиги ёритиб берилган. Конференция қарорларидан бирида Туркияда яшаётган румликлар (хорижликлар) Юнонистонга кўчирилиши, Юнонистондаги турклар эса Туркияга кўчирилиши келишилган эди. Ушбу қарорнинг Туркия хўжалиги учун оғир оқибатларига тўхталиниб: “Агар шу қарорни вужудга чиқорса, Туркиянинг гилам, кийиз саноатига ёмон зарар бўладур. Чунки Туркиядан кетатурғон румлар(хорижликлар) пилла, ипак ишлари билан машғул бўлгонликдин, улар кетиши билан гилам, кийиз саноатига лозим бўлгон ипак ва тўқуғувчилик ишларинининг ўрнини тўлдириш тез бир вақт ичида мумкин эмасдур”[10,1] деб ушбу масала таҳлил қилиниб, Туркия учун яна бир оғир масала Юнонистондан қайтарилаётган турклар бўлиб, улар, асосан, дехқончилик билан шуғулланишлари билдириб ўтилган. Шунингдек, конференциянинг Туркия учун оғир қарорларидан бири ички йўллардаги кемалар қатнови билан боғлиқ эди. Бу қарор ижрога киритилса, Туркиядаги нархларнинг ошишига олиб келар эди. Шу сабабли Турк матбуоти бу қарорни амалга оширишни кечиктириб турилиши Туркия учун фойдали бўлишини баён этган[11,1].

Маълумки, бу даврда Усманийлар султони, мусулмонлар халифаси тахтдан ағдарилган, халифа теварагида Европа давлатлари ўз манфаатларини кўзлаб турли сиёсий ўйинларни бошлаб юборган эдилар. Бу ҳақда газетада бир қатор таҳлилий мақолалар бериб борилган. Бу жараёнларга тўхталиниб, халифанинг ағдарилишига қарши Берлинда тузилган “Мусулмон жамияти” номли ташкилот томонидан норозилик

имтиёзлари, Туркия устидан халқаро молиявий назорат бекор қилинди.

билдирилганлиги, ушбу ташкилот фикрича, бу масала бутун дунё мусулмонлари томонидан ечилиши лозимлиги унғача муваққат бир халифа тайинлаб туриш лозимлиги, айтиб ўтилган[12,2]. Франция ҳукумати эса тахтдан туширилган халифани ўз юртларига таклиф қилган[12,2]. Бундан кўринадикки, Франция ҳукумати ҳам халифадан ўз сиёсий мақсадларида фойдаланмоқчи бўлган. Шунингдек, Сурияда чоп этилувчи араб газеталари Туркия ҳукумати бошлиғи Мустафо Камол пошони яққаҳоқимликда айблаб, “...ҳукумат бошига ўлтуруб олгондан кейин, исломга қарши кураш очди ва султонлар саройини ўзи эгалламак учун халифани ағдарди”[13,1] деб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Бу масалада Франция ва Англия ўзаро сиёсий фойдаланишга киришганлигини кўриш мумкин. Франция ёрдами билан Суриядаги маҳаллий кучлар, тахтдан ағдарилган халифа Абдулмажиддан бошқа халифани халифа деб тан олмасликни, Тунис, Марокаш ва Совет Россияси каби давлатларда чиққан сохта халифаларга ишонмасликни тарғиб этишиб, пул йиғиб халифага юборишган. Уларнинг сохта халифа тўғрисидаги хавфсирашларига сабаб Англия ҳукумати Шариф Ҳусайн исмли кишини қўллаб-қувватлаб, у учун катта-катта пулларни сарфлаб, унинг номидан ҳар хил махфий жамиятлар тузиб, уни халифа деб эълон қилишга уринганлиги масалалари газета саҳифаларида ёритиб ўтилган[13,1].

Газета саҳифаларида Европа давлатларидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ёритиб берилган. Англия, Германия давлатларида рўй берган ижтимоий - сиёсий жараёнлар кенг ёритилган бўлса[14], [15], кичик давлатлардаги воқеалар рукнлар остида қисқа хабарларда ёритиб борилган.

Газета саҳифаларида Осиё мамлакатларидаги воқеалар ҳам таҳлилий мақолалар асосида ёритиб борилган. Хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлардаги воқеаларга газета саҳифаларида кенг ўрин берилган[17],[18].

Хусусан, Хитойдаги ҳукумат алмашинувларига бағишлаб махсус мақолалар бериб борилган[16]. Яқин Шарқ мамлакатларидаги воқеалар “Яқин шарқ” рукнида атрофлича ёритиб борилган.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, даврий матбуот бу даврда омманинг асосий ахборот манбаларидан

бири бўлган. Ўлка халқлари фақат Фарғона ва Туркистон ҳақида эмас, балки олис хорижий мамлакатлардаги воқеалар ҳақида ҳам етарлича маълумотларга эга бўлишган. Хорижий мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий

жараёнлардан воқифлик ерли халқнинг сиёсий онгининг ўсишига хизмат қилган. Сиёсий онгининг ўсиши, албатта, ўзликни англаш ва мустақиллик сари йўл очган.

Адабиётлар:

1. Кудинова О. М. "Туркестанские ведомости" - первая печатная газета в Средней Азии. – Т., 1982 .
2. Авшарова М.П. Русская периодическая печать в Туркестане (1870-1917) : библиогр. указ. лит. ./; – Т.: М-во культуры Узб. ССР, Гос. публич. б-ка им. А. Навои 1960.
3. Газетчи. Фарғонада туб жой халқ матбуоти /«Фарғона» / газетаси. 1924 йил 5 май.
4. Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи //«Туркистон» газетаси, 1924 йил, 24 июнь
5. Чўлпон. Туркистонда матбуот //«Фуқаро фуюзоти» (Боку, озарбайжон тилида) журнал, 1920 йил, 1-сон. Қайта нашри: «Давлат ва жамият бошқаруви» журнали, 1998 йил, 2-сон. {Таржимон Тўлқин Тоғаев}.
6. Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар) – Т.: Истиклол нури, 2013 .
7. Зиё Саид. Танланган асарлар тўплами. - Т.: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
8. Ф. Сулаймонов. Англиянинг шарқдаги муваффақиятсизлиги// "Фарғона". 1921 йил, 4 сентябр
9. "А".//Лузон натижалари // "Фарғона", 1923 йил 24 май, Кечиккан тасдиқ// "Фарғона", 1924 йил, 8 сентябр; Лузон муоҳадасининг баъзи бир натижалари// "Фарғона", 1924 йил 8 сентябр; Лузон муоҳадаси Франция мажлисларида// "Фарғона", 1924 йил, 8 сентябр.
10. Лузон муоҳадасининг баъзи бир натижалари// "Фарғона", 1924 йил, 8 сентябр
11. Кечиккан тасдиқ// "Фарғона", 1924 йил, 8 сентябр
12. Халифатнинг тарқалиши атрофида// "Фарғона", 1924 йил, 25 март
13. Халифат теварагида// "Фарғона", 1924 йил, 17 апрел; Ҳижозда исён// "Фарғона", 1924 йил, 29 сентябр.
14. Англиянинг қуролсизланиши// "Фарғона", 1924 йил 17 апрел; Англия билан қилган муоҳадамиз// "Фарғона", 1924 йил 15 сентябр; Англияда сайлов муносабати билан// "Фарғона", 1924 йил, 21 октябр; , Англияда сайлов маракаси// "Фарғона", 1924 йил, 21 октябр; Турдибой.Тўралар ҳукумати// "Фарғона", 1924 йил 19 ноябр; Англияда янги ишчи ҳукумати//"Фарғона", 1924 йил, 18 феврал.
15. Германияда аҳвол// "Фарғона", 1923 йил, 29 октябр; Германияда аҳвол// "Фарғона", 1923 йил, 10 декабр; Германияда аҳвол// "Фарғона", 1924 йил, 17 январ; Берлиндаги босмачилиқ теварагида// "Фарғона", 1924 йил, 15 май
16. Ҳитойда катта воқеалар// "Фарғона", 1924 йил, 15 сентябр; хитой воқеалари// "Фарғона", 1924 йил, 29 сентябр; Хитойда аҳвол//"Фарғона", 1924 йил, 21 октябр; Турдибой. Чин Мочин уйғон// "Фарғона", 1924 йил, 1 ноябрь;
17. Англия Ҳиндистонни сиқадур// "Фарғона", 1924 йил, 19 ноябр
18. Эронда тескаричилар қўзғолиши// "Фарғона", 1924 йил, 25 сентябрь; Эронда// "Фарғона", 1924 йил, 17 апрель.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори).